

12. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.

Умумий йиғилиш раиси томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни 107-моддаси биринчи қисмига мувофиқ Тафтиш комиссияси аъзоларини ҳар йили янгидан сайлаш белгиланганлиги қайд этилди.

Тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидаги 4 киши номзод таклиф этилган:

Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибига “O‘zagrotexsanoatxolding” АЖ томонидан 2018 йил 10 январдаги МШ-18-13/37-сонли хат билан қуйидаги номзодлар киритилган:

Алимов Кабул Ботирович - “O‘zagrotexsanoatxolding” АЖ бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бошлиғи;

Мамажонов Илёсжон Абдурасулович - “O‘zagrotexsanoatxolding” АЖ Молиявий-иктисодий таҳлил ва режалаштириш бошқармаси бош мутахассиси;

Пирматов Анвар Абдуллаевич - “O‘zagrotexsanoatxolding” АЖ Акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бош мутахассиси.

АТБ “Туронбанк” томонидан 2018 йил 11 январдаги 11/01-28-сонли хат билан қуйидаги номзодлар киритилган:

Бозоров Шерзод Эшманович - АТБ “Туронбанк”дан бош бухгалтер ўринбосари.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

13. Жамиятда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини эшитиш.

Умумий йиғилиш раиси сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

Акциядорларнинг 2016 йил 28 майда ўтказилган йиллик умумий йиғилиши баёни қарори асосида Жамиятда Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

“Корпоратив бошқарув кодекси”нинг 33-моддасида, Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашни йилига камида бир марта ўтказилиши белгиланган.

Мазкур Кодекс талаби асосида Жамиятда корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ва Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази томонидан 2016 йил 25 июлда тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини баҳолашни амалга ошириш бўйича саволнома асосида” “Nazorat-audit” МЧЖ томонидан ўтказилган ва 2018 йил 26 мартда берилган 01/50-18-сонли хулосага асосан 364 балл этиб, ёки “қониқарли” деб баҳоланган.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

14. Жамият томонидан мазкур жамиятнинг аффилиланган шахслари билан ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш.

Мазкур масала бўйича Жамият ижроия аппаратининг “Юридик бўлим” бошлиғи П.Ходжиев сўзга чиқиб, қуйидагиларни маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунининг 85-моддаси иккинчи қисми 3, 4, 5 ва 6-бандларига мувофиқ “Ўзагролизинг” акциядорлик жамиятига нисбатан аффилиланган шахслар қуйидагилардир:

1. Жамият Кузатов кенгаши аъзолари;

2. Жамият Бошқарув аъзолари;
3. Жамиятнинг “�зماشлизинг” МЧЖ, “Лизинг ахборот технологиялари” МЧЖ, “Лизинг техника сервис” МЧЖ ва “Агромаш саноат инвест” МЧЖ каби тобе хўжалик жамиятлари;
4. “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти;
5. “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти қайси юридик шахслар устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахслар.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунининг 88-моддасига мувофиқ, ижроия органи ва ички аудит хизмати аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимларни ўрганиб чиқиб ёзма равишда баённома тузиши ва Кузатув кенгашига тақдим этиши белгиланган.

Ўз навбатида Кузатув кенгаши 15 кунлик муддати ичида ушбу битимларни ўрганиб чиқиб уларни тузишга рухсат беради. Шу тариқа, аффилиланган шахслар билан шартнома тузиш масаласини Кузатув кенгашидан ўтказишга камида 20-25 кун вақт сарф этилади.

Қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида ўз мавсумида (чигит ёки дон экиш, ерни ҳайдаш, ғаллани ўриш, гўзага ишлов бериш ва ҳоказо) ва қисқа муддатларда етказиб берилиши талаб этилади. Аффилиланган шахслар билан тузиладиган битимни расмийлаштиришга 20-25 кун вақт сарф этилиши, мавсумни ўтиб кетишига ёки мавсумдан кечикиб техникани лизингга етказиб берилишига олиб келади. Бунинг натижасида, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш жараёнлари ўз вақтида амалга оширилмасдан катта миқдорда ҳосилни йўқотилиши содир бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунининг 88-моддаси саккизинчи қисмида, ... *акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эканлиги белгиланган.*

Қонунининг 83-моддаси биринчи қисмида мувофиқ, Жамият соф активлари қийматининг 15 фоизи (18,2 млрд. сўм)дан юқори суммада тузиладиган битимлар йирик битимлар, деб эътироф этилган.

Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан 2018 йил учун тасдиқланган “Бизнес режаси”га мувофиқ 2018 йилда 518,1 млрд. сўмлик қийматдаги техникаларни лизингга етказиб бериш ва бунинг учун 100,0 млрд. сўмлик қийматдаги кредит маблағларини жалб этилиши белгиланган. Шу муносабат билан:

кредит жалб этилиш эҳтимоли кутилаётган тижорат банклари (“Асака” банк, “Агробанк” ва бошқа) билан бир неча босқичда ҳар бири 18,2 млрд. сўмдан 50,0 млрд. сўмгача ҳажмдаги бир неча кредит шартномаларини имзоланиши;

жалб этилаётган кредитга таъминлаш берилиши бўйича “Ўзماشлизинг” МЧЖ (ёки “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ ва бошқа аффилиланган шахслар) билан кафилик шартномаларини имзоланиши;

“Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти ёки “Ўзагротехсаноатхолдинг” акциядорлик жамияти қайси юридик шахслар устав фондининг йигирма фоизи ва ундан ортиқ фоизига эгалик қилса, ўша юридик шахслар билан лизингга етказиб бериладиган техникаларни сотиб олиниши бўйича

умумий қиймати Жамият соф активлари қийматининг 15 фоизи (18,2 млрд. сўм)дан юқори бўлган бир ёки бир-бирига боғланган бир нечта битимни имзоланиши;

“Ўзагросервис” АЖ тизимидаги худудий (вилоят) “Агросервис МТП” МЧЖлар билан қишлоқ хўжалик техникаларини лизинг асосида сотиб олиниши бўйича умумий қиймати Жамият соф активлари қийматининг 15 фоизи (18,2 млрд. сўм)дан юқори бўлган бир ёки бир-бирига боғланган бир нечта битимни имзоланиши;

афилланган шахс ҳисобланган Бошқарув аъзоларига ойлик маошидан ушлаб қолиш шарти билан фарзандини контракт асосида ўқиши ёки тўй (мотам) маросимларини ўтказиши учун “қарз маблағи”ни ажратилиши;

Жамият тизимидаги “Ўзмашлизинг” МЧЖ билан қарз олиш бўйича, “Лизинг ахборот технологиялари” МЧЖ ва “Лизинг техника сервис” МЧЖ билан хизматлар кўрсатиш ва маҳсулот сотиб олиш бўйича битимларни имзоланиши эҳтимоли мавжудлиги кутилмоқда.

Юқорида баён этилган ҳолатлардан келиб чиқиб ҳамда Ҳукумат томонидан берилган топшириқлар ижросини тезкор равишда таъминлаш ва лизинг лойиҳаларини ўз муддатида молиялаштириш орқали техникаларни фермер хўжаликларига ўз вақтида етказиб беришни ташкил этиш мақсадида, Жамият томонидан мазкур жамиятнинг афилланган шахслари билан ва йирик битимлар бўйича келгусида тузиладиган битимларини тасдиқлаш масалаларида қарор қабул қилиш учун Акциядорлар умумий йиғилишига мурожаат қилинмоқда.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

15. Жамиятнинг Бош директорини сайлаш.

Умумий йиғилиш раиси сўз олиб қуйидагиларни қайд этди:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 17 ноябрда қабул қилинган ПҚ-2658-сонли “Ўзагротехсаноатҳолдинг” акциядорлик жамияти фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти бош директорини Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан сайланиши ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланиши белгиланган.

Ҳозирги вақтда Жамият бош директорини лавозимига тақдим этилган номзодлар Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқилмоқда ва Ҳукумат томонидан мазкур лавозимга аниқ бир номзод ҳали тасдиқланмади.

Шу муносабат билан Бош директорини сайлаш масаласини Вазирлар Маҳкамаси томонидан Жамият бош директорини лавозимга аниқ бир номзод тасдиқланганидан сўнг Акциядорларнинг навбатдаги Умумий йиғилишда кўриб чиқилиши тўғрисида таклиф киритилди.

Умумий йиғилиш Раиси томонидан мазкур масала бўйича бюллетенда овоз бериш сўралди.

Умумий йиғилиш Раиси Кун тартибидаги масалаларнинг нихоясига етганлиги муносабати билан овоз бериш натижаларини ҳисоблаб чиқиш учун бюллетенларни Санок комиссиясига топширишни сўради.

Овоз бериш натижалари бўйича Санок комиссияси раиси М. Турсунов Умумий йиғилишга қуйидагиларни эълон қилди: